

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

9-сон  
(1133)  
2024 йил  
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

74. «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 февралдаги ЎРҚ-913-сон Қонуни
75. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 февралдаги ЎРҚ-914-сон Қонуни
76. ««Давлат хисобидан юридик ёрдам қўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қў-

шимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 февралдаги ЎРҚ-915-сон Конуни

### *Иккинчи бўлим*

77. «Солиққа оид айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини мақбуллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 февралдаги ПФ-39-сон Фармони
78. «Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 февралдаги ПҚ-87-сон қарори
79. «Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон қарори
80. «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 марта ПҚ-108-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

81. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 20 февралдаги 1-мҳ-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-7*)
82. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 31 январдаги 42/14-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлиигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-12*)
83. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 7 февралдаги 1-2024/Б-сон «Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1999-1*)
84. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 22 февралдаги 2-2024/Б-сон «Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
1 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2446-1)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий  
хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги  
маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛIM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

**74**

**Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
28 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 19 январда  
маъқулланган

Кейинги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рафбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиб-таомиллар танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган бюрократик фовлар ва тўсиқлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик мухити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга қонунчиликни халқаро нормаларга, шу жумладан Божхона тартиботларини соддалаштириш ва ўйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгартиришлар билан), Жаҳон савдо ташкилотининг Божхона тартиботларини соддалаштириш тўғрисидаги битими ва Жаҳон божхона ташкилоти қоидаларига ўйғунлаштириш орқали ташқи савдони янада либераллаштириш зарурати мавжуд.

Ушбу Қонун қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга, товарларни олиб киришда божхона қийматини аниқлашга доир нормаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, товарларни экспорт, реимпорт ва реэкспорт божхона режимларига жойлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган.

Мазкур Қонун миллий қонунчилик халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини таъминлашга, шу жумладан иқтисодиётда тенг рақобат учун шарт-шароитлар яратишга ва чет эл инвестицияларини кенг жалб этишга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил,

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 27 февралда эълон қилинган.

№ 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 969-модда; 2022 йил, № 2, 75-модда, № 7, 666-модда, № 12, 1190-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси худудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин. Бунда уларга жойлаштирилган товарлар божхона тўловларини тўлаш мақсадида, шунингдек иқтисодий сиёsat чораларини қўллаш учун божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

Божхона худуди сарҳадлари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади (бундан буён матнда божхона чегараси деб юритилади);

2) **32-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Реэкспорт божхона режимига жойлаштирилган товарлар ушбу Кодекс 218-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ белгиланган муддатларда божхона ҳудудидан амалда олиб чиқилиши керак.

Агар товарлар учун транзит декларацияси улар реэкспорт божхона режимига жойлаштирилган кундан эътиборан уч иш куни ичидан тақдим этилмаса, товарлар вақтинча сақлаш божхона режимига жойлаштирилиши керак»;

3) **35-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

4) **52-модда:**

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қўйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режими ушбу Кодекснинг 47-моддасига мувофиқ белгиланган товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш муддати тугайдиган кундан кечиктирмай қўйидаги усулларнинг бири орқали тугалланади:

қайта ишлаш маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштириш;

олиб чиқилган товарни ёки унинг қолдигини реимпорт божхона режимига жойлаштириш;

олиб чиқилган товарни ёки унинг қолдигини амалда божхона органига тақдим этмасдан, ушбу Кодексда белгиланган талаблар ва шартларга риоя этган ҳолда экспорт божхона режимига жойлаштириш, бундан божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ олиб чиқилган товар ёки унинг қолдиги мажбурий тартибда реимпорт қилиниши шарт бўлган ҳоллар мустасно»;

**учинчи — олтинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимини тугаллашда товарнинг божхона расмийлаштируви божхона расмийлаштирувани амалга оширган божхона органи томонидан ёки ваколатли шахснинг аризаси-

га кўра, ушбу товарнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда, зарур ҳажмда, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш имкониятига эга бўлган бошқа божхона органи томонидан амалга оширилиши мумкин.

Аризани топширишда ваколатли шахс божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимида товарни олиб чиқишга доир божхона юк декларациясини тақдим этиши керак»;

**5) 94-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарлар бир неча бор божхона омбори божхона режимига жойлаштирилганда божхона омбори божхона режимининг умумий амал қилиш муддати ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатдан кўп бўлиши мумкин эмас»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;»

**6) 96-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарларнинг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ бошқа шахсга ўтказилганлиги божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарларни саклаш муддатини тўхтатиб турмайди ва узайтирамайди»;

**7) 100-модданинг матнидаги** «божхона тўловлари тўланмаган ҳамда» деган сўзлар «божхона божлари ва солиқлар тўланмаган, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсан;»

**8) қўйидаги мазмундаги 103<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсан:

**«103<sup>1</sup>-модда. Эркин омбор божхона режимига жойлаштирилган товарни бошқа шахсга ўтказиши**

Эркин омбор божхона режимига жойлаштирилган товарни бошқа шахсга ўтказишига унга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасаруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга қўйидаги шартларга риоя этилган тақдирда йўл қўйилади:

товарни ёки унга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасаруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказувчи ваколатли шахс божхона органини олдиндан ёзма шаклда хабардор этади;

товарга бўлган ҳуқуқни олувчи ваколатли шахс ушбу товарга нисбатан танланган божхона режими талаблари ва шартларига риоя этган ҳолда божхона юк декларациясини божхона органига беради.

Ваколатли шахснинг товарга нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш ҳуқуқи божхона юк декларацияси божхона органига берилган пайтдан эътиборан бошқа шахсга ўтказилган деб ҳисобланади. Божхона юк декларацияси берилган пайтда мазкур шахсада божхона режимига риоя этилишини таъминлаш билан боғлик бўлган мажбуриятлар юзага келади»;

**9) 106-модданинг матнидаги** «божхона тўловлари тўланмаган ҳамда» деган сўзлар «божхона божлари ва солиқлар тўланмаган, шунингдек» деган сўзлар билан алмаштирилсан;»

**10) 134-модда биринчи қисми 2-бандининг учинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган техник-иқтисодий асослар (ҳисоб-китоблар) устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар учун»;

**11) 159-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатни ҳисоблаш транспорт воситасини вақтинча олиб кириш расмийлаштирилган кундан эътиборан бошланади»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**12) 219-модда:**

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ташувчи барча товарлар тўғрисидаги ахборотнинг юк кузатув хужжатларига киритилишини таъминлаш ёки товарлар тўғрисидаги ахборотни божхона органи эътиборига етказиш учун божхона органи олдида жавобгар бўлади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**13) 223-модда биринчи қисмининг учинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«миллий автоташувчилар томонидан импорт товарларни ташиш товарларни божхона назорати остида ташиш учун жиҳозланган транспорт воситаларида амалга оширилган тақдирда»;

**14) 229-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибда гувоҳнома олиш учун аризачи божхона органига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

гувоҳнома олиш учун электрон шаклдаги аризани;

транспорт воситасига нисбатан мулк ҳукуқини ёки ундан фойдаланиш ҳукуқини тасдиқловчи хужжатнинг кўчирма нусхасини;

автотранспорт воситасининг олдидан, орқадан, чапдан, ўнгдан кўриниши, шунингдек пломбалар ва муҳрлар кўйиладиган жойнинг тасвири мавжуд бўлган, аризачи томонидан тасдиқланган рангли фотосуратларни. Битта фотосуратда битта автотранспорт воситасининг кўпи билан икки томонини бир вақтнинг ўзида тасвирлашга йўл қўйилади.

Конструкциянинг тури бўйича гувоҳнома олиш учун аризачи қайси божхона органининг фаолият кўрсатиш зonasida автотранспорт воситалари ишлаб чиқариладиган бўлса, ўша божхона органига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

гувоҳнома олиш учун электрон шаклдаги аризани;

транспорт воситаси конструкциясининг чизмаларини ва батафсил тавсифини;

автотранспорт воситасининг олдидан, орқадан, чапдан, ўнгдан кўриниши, шунингдек пломбалар ва муҳрлар қўйиладиган жойнинг тасвири мавжуд бўлган, аризачи томонидан тасдиқланган рангли фотосуратларни. Битта фотосуратда битта автотранспорт воситасининг кўпи билан икки томонини бир вақтнинг ўзида тасвирлашга йўл қўйилади.

Аризачидан ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа хужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун аризачи жавобгар бўлади»;

### 15) 230-модда:

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона органи тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай аризачига гувоҳнома бериши (юбориши) ёки гувоҳнома бериш рад этилганлиги ҳақида уни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши шарт.

Аризачи гувоҳнома бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали хабарнома олганидан кейин республиканинг исталган божхона органига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси томонидан белгиланган шаклда тўлдирилган гувоҳномани тақдим этади. Божхона органи гувоҳнома маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали текширади ва уни муҳр билан тасдиқлайди»;

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўн иккинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи хатбоисида кўрсатилган фактлар аниқланганда, агар аризада бартараф этилиши мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, божхона органи уларни бартараф этиш учун аризачига муддат беради. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома божхона органи томонидан бир иш куни ичida Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали электрон шаклда аризачига юборилади.

Хабарномада тақдим этилган хужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуслари, шунингдек аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли хужжатларни кўриб чиқиш учун такорран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Божхона органи аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида аризачига малакали ходимларни излашда, хужжатларни ва дастурларни марамига етказиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек гувоҳномани олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда кўмаклашиши ва

зарур маслаҳатлар бериши керак, бундан аризачи таклиф этилган ёрдамни рад этган ҳоллар мустасно.

Камчиликларни бартараф этиш тўғрисида хабарнома юборилган тақдирда, гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин такоран тақдим этилган тақдирда, божхона органи гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда гувоҳнома беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди;

**сақкизинчи — ўн иккинчи қисмлари** тегишинча **ўн учинчи — ўн еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

16) **231-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Гувоҳноманинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

автотранспорт воситаси товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташиш учун яроқсиз ҳолга келганда;

автотранспорт воситаларининг миллий давлат рўйхатидан ўтказиш рақамлари алмашганда;

гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келиши билан гувоҳноманинг амал қилиши тугатилган деб ҳисобланади ҳамда гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида божхона органи томонидан қарор қабул қилиш талаб этилмайди»;

17) **232-модданинг:**

**биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«божхона органининг гувоҳнома бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқланганда»;

**иккинчи қисмидаги** «тўртинчи хатбошисида» деган сўзлар «тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**бешинчи қисмидаги** «етказилади» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали етказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

18) **260-модданинг биринчи қисми:**

**«б» банди:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан;

«жисмоний шахс божхона худудига киргунига ёки бу худуддан чиққунига қадар ёки кейин олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган, алоҳида кузатиб бориладиган багажда божхона чегарасидан олиб ўтиладиган нотижорат мақсадлардаги товарларнинг»;

**тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

**«в» бандининг бешинчи хатбошиси** чиқарib ташлансан;

19) **262-модданинг:**

**учинчи қисми** «тегишли божхона тўловлари тўланганидан» деган сўзлардан кейин «ёки ушбу Кодекснинг 47-бобига мувофиқ божхона тўловларини тўлаш таъминоти тақдим этилганидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «декларацияни қабул қилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) қуйидаги мазмундаги **271<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«271<sup>1</sup>-модда. Божхона экспертизаси тайинланганда товарларни чиқариб юбориш**

Товарлар чиқариб юборилгунига қадар тайинланган божхона экспертизасининг натижалари олингунига қадар товарларни чиқариб юбориш, башарти божхона юк декларациясида ҳисобланган миқдордаги божхона тўловлари тўланган ва божхона экспертизаси натижаларига кўра қўшимча равишда тўланиши лозим бўлган миқдордаги божхона тўловларини тўлаш таъминоти тақдим этилган бўлса, божхона органи томонидан амалга оширилади.

Товарларга нисбатан тақиқлар ва чекловлар қўлланилиши мумкинлиги ни кўрсатувчи белгилар божхона органлари томонидан аниқланган ва уларга риоя қилинганлигини исботловчи далиллар декларант томонидан тақдим этилмаган тақдирда, товарлар чиқариб юборилмайди»;

21) **291-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«интеллектуал мулк обьектларини Интеллектуал мулк обьектларининг божхона реестрига киритиши»;

**еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

22) **294-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари ҳоллари аниқланмаган, эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилмаган ёки бошқа божхона режимига жойлаштирилган товарларга нисбатан қуйидаги ҳолларда божхона тўловларини тўлаш мажбурияти юзага келмайди ёки тўланган божхона тўловлари қайтарилиши лозим:

агар бундай товарлар давлат мулкига ўтказилган ёки йўқ қилинган ёхуд ўзининг истеъмол хоссаларини йўқотиш ҳолатига келтирилган бўлса;

агар бундай товарлар авария ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ қилинган ёки қайтариб бўлмас тарзда йўқотилган бўлса. Ушбу йўқ қилинганлик ёки йўқотилганлик ҳолатлари ваколатли шахс ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлиши керак;

бундай товарлар табиий равишида камайган тақдирда, бунда табиий камайиш ҳолати ваколатли шахс ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлиши керак»;

23) **297-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) товарларни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндиларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилганда»;

**24) 301-модда** қўйидаги мазмундаги учинчи — саккизинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Божхона худудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати асосини имкон қадар ушбу Кодекснинг 303-моддасида белгиланган мазкур товарнинг битим қиймати ташкил этиши керак.

Ушбу бобнинг қоидалари Тарифлар ва савдо бўйича Бosh битимнинг VII моддасида ҳамда Тарифлар ва савдо бўйича Бosh битимнинг VII моддасини қўллаш тўғрисидаги битимда (Марокаш, 1994 йил 15 апрель) белгиланган умумий принциплар ва қоидаларга асосланади.

Божхона худудига олиб кирилаётган товарнинг божхона қийматини аниқлаш товарларнинг ихтиёрий ёки соxта божхона қийматидан фойдаланишга асосланмаслиги керак.

Божхона худудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиб-таомиллари умум қўлланиладиган бўлиши керак, яъни улар товарларни етказиб бериш манбаларига, шу жумладан товарларнинг келиб чиқишига, товарлар турига, битим иштирокчиларига ва бошқа омилларга қараб фарқ қилмаслиги керак.

Божхона худудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиб-таомилларидан демпингга қарши курашиш мақсадида фойдаланилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Тарифлар ва савдо бўйича Бosh битими VII моддасини қўллаш тўғрисидаги битимнинг (Марокаш, 1994 йил 15 апрель), шу жумладан ушбу битимга доир шарҳларнинг тегишли қоидаларидан, шунингдек Жаҳон савдо ташкилотининг Божхона баҳолаш қўмитаси ва Жаҳон божхона ташкилотининг Божхона баҳолаш бўйича техник қўмитаси томонидан қабул қилинган товарларнинг божхона қийматига доир ҳужжатлардан келиб чиқсан ҳолда божхона худудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулларини танлашда ушбу боб қоидаларининг бир хил қўлланилишини таъминлашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқади»;

**25) 303-модда** қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Олиб кириладиган товарлар учун сотиб оловчи томонидан бевосита сочувчига ёки сотувчининг фойдаси учун бошқа шахсга тўланган ёки тўланиши лозим бўлган барча тўловларнинг умумий суммаси бундай товарлар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх деб ҳисобланади. Бунда тўловлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган ҳар қандай шаклда бевосита ёки билвосита амалга оширилиши мумкин.

Бир битим доирасида кўп миқдорда сотиб олинган товарларнинг бир қисмини декларациялашда бундай товарлар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх декларацияланадиган товарларнинг миқдори ва сотиб олинган товарларнинг умумий миқдори билан teng нисбатда аниқланади»;

**26) 304-модда:**

**биринчи қисмининг «в» банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) сотиб оловчи томонидан бепул ёки арzonлаштирилган нархда бевоси-

та ёхуд билвосита кўрсатиладиган қўйидаги хизматларнинг ва етказиб бериладиган бошқа товарларнинг тегишли тарзда тақсимланган қиймати:

олиб кириладиган товарлар қайси хомашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа товарлардан ишлаб чиқилган (иборат) бўлса, ўша хомашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа товарлар;

олиб кириладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асбоблар, штамплар, қолиплар ва бошқа шу каби товарлар;

олиб кириладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган материаллар;

божхона худудидан ташқарида тайёрланган ва олиб кириладиган товарларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, мухандислик, конструкторлик ишлари, дизайн, эскизлар ва чизмалар»;

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг «в» бандида кўрсатилган харажатлар олиб кириладиган товарларни божхона худудига олиб чиқиш учун ишлаб чиқаришга ва сотишига қаратилиши керак»;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансан»;

27) **305-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Олиб кириладиган товарлар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга тегишли бўйиб, сотиб олувчи томонидан сотувчига ўтказиладиган дивидендлар ёки бошқа тўловлар, агар улар олиб кириладиган товарлар билан боғлиқ бўлмаса, олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматига киритилмайди»;

28) **307-модда:**

**биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«битим тарафлари юридик жиҳатдан тан олинган бизнес ҳамкорлар бўлса»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Шартнома муносабатларининг тарафлари бўлган, фойда олиш мақсадида фаолиятни амалга оширадиган ҳамда ушбу фаолият давомида барча харажатларни ва зарарларни биргаликда ўз зиммасига оладиган ваколатли шахслар юридик жиҳатдан тан олинган бизнес ҳамкорлар деб ҳисобланади. Агар бундай шахслардан бири бошқасининг ягона агенти ёки ягона дистрибьютори ёхуд ягона концессионери бўлса, улар ушбу модданинг мақсадлари учун ўзаро боғлиқ деб ҳисобланади.

Шахс бошқа шахснинг хатти-ҳаракатларини амалий ёки ҳуқуқий жиҳатдан чекласа ёхуд назорат қиласа, у бошқа шахсни бошқарувчи шахс деб ҳисобланади»;

29) **313-модданинг:**

**иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар божхона органи олиб кирилган товарларнинг божхона қийматини

ўзида мавжуд бўлган маълумотларга асосан захира усули билан аниқласа, у декларантнинг сўровига кўра бундай маълумотларнинг манбалари тўғрисида хабар беради. Божхона органи захира усулини тўғри қўллаш мақсадида бундай ахборотни йиғиб боради»;

**бешинчи қисмининг «б» банди** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) икки муқобил қийматдан энг юқориси божхона баҳолаш мақсадлари учун қабул қилинишини назарда тутувчи тизимдан»;

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ баҳоланаётган товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг бир нечта усулини қўллаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, уларни қўллашнинг кетма-кетлигига амал қилиниши зарур.

Олиб кириладиган товарларнинг ушбу моддага мувофиқ белгиланган божхона қиймати имкон қадар аввал белгиланган божхона қийматларига асосланиши керак»;

30) **318-модданинг еттинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи ҳатбоши** билан тўлдирилсин:

«товарлар божхона транзити, вақтинча сақлаш, божхона омбори, йўқ қилиш, давлат фойдасига воз кечиш божхона режимларига жойлаширилган бўлса»;

31) **319-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарнинг божхона қийматини назорат қилишда божхона органи қўйидагиларнинг тўғрилигини кетма-кетликда текширади:

товарнинг маълум қилинган божхона қиймати тузилиши ва миқдорининг;

товарнинг маълум қилинган божхона қийматини аниқлаш усулини танлаш ва қўллашнинг;

товарнинг маълум қилинган божхона қиймати тўғрисидаги маълумотлар хужжатлар билан тасдиқланганлигининг»;

**иккинчи — олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу бобнинг қоидалари товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун тақдим этилган ҳар қандай маълумотнинг, хужжатнинг ёки декларациянинг тўғрилигини ёхуд аниқлигини тасдиқлаш бўйича божхона органларининг хукуқини чекламайди ёки шубҳа остига қўймайди.

Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан товарнинг божхона қийматини нотўғри аниқлаш белгилари, товарнинг божхона қиймати тўғрисидаги маълумотларни нотўғри деб топиш асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

32) **336-модданинг биринчи қисмидаги** «87» рақами «72, 87» рақамлари билан алмаштирилсин;

33) **338-модданинг:**

**иккинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар божхона омбори ёки эркин омбор сифатида очиқ майдонча маълум қилинаётган бўлса, бир квадрат метр майдон учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида ёки агар божхона омбори ёхуд эркин омбор сифатида бино маълум қилинаётган бўлса, бинонинг бир куб метр хажми учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг бараваридан кам бўлмаган суммаси миқдорида — божхона омбори ёки эркин омбор эгалари учун»;

**учинчи хатбоисидаги** «беш минг» деган сўзлар «ўн минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) қўйидаги мазмундаги **339<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:**«339<sup>1</sup>-модда. Божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминоти**

Агар айни бир шахс томонидан муайян вақт ичидаги бир неча божхона операцияси амалга оширилса, барча бундай божхона операцияларини бажариш чоғида юзага келадиган божхона тўловларини тўлашни таъминлаш учун ушбу Кодекснинг 339-моддасида белгиланган усуслардан бири билан божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминоти тақдим этилиши мумкин, бундан ушбу Кодекс 339-моддасининг иккинчи ва олтинчи хатбоиларида кўрсатилган усуслар мустасно.

Божхона органи божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминотини, агар божхона тўловлари бундай таъминот ҳисобидан ушбу божхона органи томонидан ундирилиши мумкин бўлса, қабул қиласди.

Божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминоти товарларни чиқариб юборувчи божхона органига тақдим этилади.

Тўловчи божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминотини ушбу Кодекснинг 336, 337 ва 338-моддаларида белгиланган ҳолларда юзага келадиган божхона тўловларини тўлашни таъминлашга доир бир ёки бир неча мажбурият бўйича тақдим этади.

Божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминоти тўловчининг аризасида кўрсатилган муддатга божхона органлари томонидан қабул қилинади. Бунда божхона тўловларини тўлаш бош таъминотининг амал қилиш муддати тўловчининг аризасида кўрсатилган муддат ичидаги юзага келадиган божхона тўловларини тўлашни таъминлашга доир мажбуриятларни тўловчи томонидан бажариш муддатларидан кўп бўлиши керак.

Божхона тўловларини тўлашнинг бош таъминотини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси томонидан белгиланади»;

35) **347-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизидан ошмаса, у шаклланмайди»;

36) **349-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пенянинг фоиз ставкаси уни тўлаш бўйича мажбурият бажарилмаган ҳар бир календарь кун учун божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик

суммасининг шу пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг уч юздан бирига тенг миқдорида ҳисобланади»;

37) **353-модданинг еттинчи қисми** қўйидаги таҳирда баён этилсин:  
 «Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларининг суммаси божхона органлари томонидан қўйидаги ҳолларда қайтарилилмайди, агар:  
 уни қайтариш тўғрисидаги ариза ушбу модданинг иккинчи — тўртинчи қисмларида белгиланган тегишли муддатлар тугаганидан кейин берилган бўлса;

унинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизидан ошмаса»;

38) **354-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:  
 «Божхона органининг хатоси туфайли ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловлари суммаларини қайtариш устувор тартибда амалга оширилади»;

39) **370-модда** қўйидаги таҳирда баён этилсин:

**«370-модда. Товарларнинг таснифланиши бўйича дастлабки қарорни қабул қилиш**

Божхона органлари товарларнинг таснифланишига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ дастлабки қарор қабул қилиши мумкин.

Божхона органлари товарларнинг келиб чиқиши мамлакатини ва товарлар учун тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлашга доир дастлабки қарорни қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилиш хуқуқига эга.

Дастлабки қарор божхона органлари учун мажбурийдир.

Дастлабки қарорнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси томонидан белгиланади»;

40) қўйидаги мазмундаги **382<sup>1</sup>** ва **382<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«382<sup>1</sup>-модда. Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган интеллектуал мулк объектларига бўлган хукуқларни ҳимоя қилиш бўйича божхона органларининг ҳаракатлари**

Божхона органлари олиб кирилаётган ёки олиб чиқилаётган товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган интеллектуал мулк объектларига бўлган хукуқлар бузилганлиги белгиларини аниqlаган тақдирда:

хукуқ эгасини бу ҳақда бир иш куни ичida хабардор қилади;

хабардор қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичida хукуқ эгасидан ариза келиб тушган тақдирда — уларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ чоралар кўради;

хукуқ эгаларидан ариза божхона органларига келиб тушмаган тақдирда — товарни ушбу Кодексга мувофиқ чиқариб юборишни амалга оширади.

Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларнинг бузилганлиги белгилари товарларнинг божхона назорати шакллари қўлланилган холдаги божхона расмийлаштируви чоғидаги хавфни бошқариш тизими натижаларига кўра аниқланади.

**382<sup>2</sup>-модда. Божхона органларининг интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларнинг божхона назоратини амалга оширишдаги қўшимча хуқуқлари**

Интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларнинг бузилганлиги белгилари мавжуд бўлган товарлар аниқланганда божхона органлари Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилмаган интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишини ушбу моддада назарда тутилган тартибда, хуқуқ эгасининг интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги аризасисиз тўхтатиб туришга ҳақли.

Товарларни чиқариб юборишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш ушбу моддага мувофиқ божхона органи раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кўрсатмасига асосан амалга оширилади.

Божхона органлари қўшимча хуқуқларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг давлат реестридаги Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган товар белгилари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланади.

Товарларни чиқариб юбориш ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ тўхтатиб турилган тақдирда, божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларнинг бузилганлиги белгилари мавжуд бўлган товарлар аниқланганда хуқуқ эгасини ёки унинг ваколатли вакилини ва декларантни хабардор қилиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилади.

Божхона органлари интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида товар белгисининг хуқуқ эгаси тўғрисидаги маълумотларни (номи, манзили, телефон рақами, пошта манзили) аниқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органига сўров юборади.

Сўровда ҳимоя қилиш чоралари татбиқ этилаётган товарлар тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

Божхона органлари ва Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи хуқуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг манзилини аниқлаш ва уни хабардор қилиш учун йигирма тўрт соат ичидан барча зарур чораларни кўради.

Божхона органлари томонидан йигирма тўрт соат ичидан ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили тўғрисидаги маълумотларни олиш имкони бўлмаган тақдирда, товарларни чиқариб юборишини тўхтатиб туриш бекор

қилинади ва товарларни чиқариб юбориш ушбу Кодексга мувофиқ амалга оширилади.

Интеллектуал мулк обьектининг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили тўғрисидаги маълумотлар аниқланган тақдирда уларга хабар юборилади, шунингдек товарларни чиқариб юбориш учиш кунига тўхтатиб турилади.

Агар мазкур муддат ичидаги ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили божхона органига:

товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш муддатини ўн иш кунига узайтириш тўғрисида ариза бермаганда;

товарларнинг чиқариб юборилишини тўхтатиб туришни бекор қилиш ҳақида ариза берганда, божхона органлари ушбу Кодексга мувофиқ товарларни чиқариб юборишни амалга оширади.

Агар ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган муддатда божхона органларига ҳуқуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризаси келиб тушган бўлса, уларни чиқариб юбориш дастлабки тарзда тўхтатиб турилган санадан эътиборан ўн иш кунига қадар тўхтатиб турилади. Бунда ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили ўн иш куни ичидаги қўйидагиларни божхона органига тақдим этиши керак:

1) интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақидаги иш бўйича суднинг ишни судда кўриш тайинланганлиги тўғрисидаги ажрими;

2) товарга нисбатан интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги ҳолати мавжуд эмаслиги тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, декларантга ва бошқа шахсларга етказилган мулкий заарнинг, шунингдек божхона органлари томонидан амалга оширилган харражатларнинг ўрнини қоплаш бўйича мажбурият. Бунда мулкий заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги мажбуриятда хар бир интеллектуал мулк обьекти бўйича базавий хисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги пул маблағлари тегишли божхона органининг шахсий фазна ҳисобвараfigа ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади;

3) ушбу Кодекснинг 385-моддасида белгиланган тартибда интеллектуал мулк обьектларини Интеллектуал мулк обьектларининг божхона реестрига киритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар.

Хуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги тўғрисидаги ишни судда кўриш тайинланганлиги ҳақидаги суд қарорини божхона органларига товарларни чиқариб юбориш дастлабки тарзда тўхтатиб турилган кундан эътиборан ўн иш куни ичидаги тақдим этган тақдирда, мазкур муддат ҳуқуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг илтимосномасига кўра узайтирилиши, лекин кўп билан ўн иш кунига узайтирилиши мумкин, бундан суднинг қарорида кўрсатилган бошқа муддатлар мустасно.

Ушбу моддада белгиланган талаблар товарларни чиқариб юбориш дастлабки тарзда тўхтатиб турилган кундан эътиборан ҳуқуқ эгаси ёки унинг

ваколатли вакили томонидан бажарилмаган тақдирда, товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш бекор қилинади ҳамда уларни чиқариб юбориш ушбу Кодексга мувофиқ тикланади. Бунда декларантнинг ва божхона органларининг товарларни чиқариб юборишни ўн иш кунига тўхтатиб туриш бўйича харажатларининг ўрнини хукуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили қоплади»;

**41) 385-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига» деган сўзлар «электрон шаклда божхона органларининг ахборот тизими орқали божхона органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

**иккинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси коди ва интеллектуал мулк обьектини ўз ичига олган товарнинг номи тўғрисидаги;

интеллектуал мулк обьектини ишлаб чиқарувчи ҳақидаги (номи, манзили, телефон рақами, поча манзили)»;

**бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи, саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб хисоблансан;

**еттинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«хукуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар тўғрисидаги»;

**42) 388-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги ариза хукуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили томонидан божхона органларига берилади.

Интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги аризада қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ҳимоя қилиниши учун ариза берилаётган, интеллектуал мулк обьектларини ўз ичига олган товарларнинг тавсифи;

хукуқ эгасининг фикрича, унинг интеллектуал мулк обьектига бўлган хукуқларни бузा�ётган товарларнинг, божхона органлари бундай товарларни аниқлай олиши учун етарлича батафсил тавсифи, агар хукуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили шундай маълумотларга эга бўлса;

тахмин қилинаётган хукуқбузарликни аниқлашга кўмаклашадиган ҳар қандай бошқа ахборот (экспорт қилувчи, импорт қилувчи ёки юкни қабул қилувчи тўғрисидаги маълумотлар).

Интеллектуал мулк обьектларига бўлган хукуқларни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги аризага хукуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг товарни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш туфайли декларантга етказилиши мумкин бўлган мулкий заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ёзма шаклдаги мажбурияти илова қилинади.

Мулкий заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги мажбуриятда ҳар бир интеллектуал мулк обьекти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари

миқдоридаги маблағлар тегишли божхона органининг шахсий разна ҳисобварағига ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади»;

43) **389-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Божхона органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

44) **390-модда** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлиги белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юбориш ўн иш кунига қадар тўхтатиб турилган тақдирда, божхона органининг шахсий разна ҳисобварағига киритилган пул маблағларининг ўттиз фоизи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитасининг махсус жамғармасига ўтказилади»;

45) **393-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига» деган сўзлар «божхона органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижро чиқариларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирун;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 27 февраль,  
ЎРҚ-913-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

# 75

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда ахолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
17 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 9 фералда  
маъқулланган

Кейинги йилларда ахоли ва тадбиркорлик субъектларига банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларни янада кенгайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида кредит ташкилотларидан кредит олган ахоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан айрим объектив сабабларга кўра кредит тўловларини тўлаш кечикирилган ёки улар кисман тўланган холларда, кредит қарздорлиги ни узишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Шу билан бирга ахолининг микромолиявий хизматларга бўлган талаби ошиб бораётганлиги микрокарз беришнинг энг юқори миқдори қайта кўриб чиқилишини тақозо этмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига амалга оширилган тўлов суммаси қарз олувчи жисмоний шахсга ёки қарз олувчи тадбиркорлик субъектига ажратилган микрокарз ёки кредит бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, биринчи навбатда асосий қарзнинг узилишини, шунингдек ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, фоизлар ва неустойканни хисоблаш тўхтатилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига микроқарзнинг энг юқори миқдори эллик миллион сўмдан юз миллион сўмгача оширилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун кредит олувчилар учун қўшимча қулайликлар яратишга ва ахолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 28 февралда эълон қилинган.

номаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимча кири-тилсин:

**1) 248-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаганда, бошқа келишув бўлмаса, у энг аввало, кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнgra фоизларни, унинг қолган қисми эса — қарзнинг асосий суммасини узади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар амалга оширилган тўлов суммаси қарз олувчи жисмоний шахсга ёки қарз олувчи тадбиркорлик субъектига ажратилган микроқарз ёки кредит бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаса, қарз олувчининг қарзи қўйидаги навбатда қопланади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари»;

**2) 744-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда суд қарорида кўрсатилган, кредит бўйича ундириладиган суммага нисбатан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида ҳамда 734-моддаси биринчи қисмida назарда тутилган фоизлар, шунингдек неустойка ҳисобланиши тўхтатилади»;

учинчи қисми тўртинги қисм деб хисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ-765-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 340-модда) **5-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «эллик миллион сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар «юз миллион сўмдан ошмайдиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштиrsin;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конунга зид бўлган ёз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Конун 1-моддасининг қоидалари 2024 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бунда ушбу Конун 1-моддасининг 1-банди қарз олувчининг микроқарз ёки кредит бўйича мазкур модда амалга киритилгунига қадар юзага келган, бажарилмаган пул мажбуриятларига нисбатан қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 27 февраль,  
ЎРҚ-914-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**76** «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Конунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
19 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда  
маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсоннинг қонуний ҳукуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга ҳамда уларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳукуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳукуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларини «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳукуқига эга бўлган шахсларга бундай ёрдам кўрсатиш учун жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа холларда адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш тартибини белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга ҳамда давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳукуқини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 февралда эълон қилинган.

палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда) куйидаги ўзгаришилар киритилсин:

**1) 50-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари** куйидаги мазмундаги учинчи — ўн биринчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичдиа ишга киришиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишга киришишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилangan тартибида гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячиси сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида карор қабул қиласи, суд эса ажрим чиқаради ва адвокатнинг ишга киришиш вақтини белгилайди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими «Юридик ёрдам» ахборот тизимига киритилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали автоматик равишда танланади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак.

«Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали танланган ҳамда тегишли ишда ўзининг иштирок этишини тасдиқлаган адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида белгиланган муддатда ишга киришиши шарт.

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларнинг навбатчилик жадвалига асосан ишда иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин.

Адвокат гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра ёки уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф қилинган ёхуд ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда ҳимоячини таклиф қилиш хуқуқидан фойдаланиш нияти билдирилган ҳолларда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб этишга йўл қўйилмайди»;

**2) 51-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ушбу Кодекс 50-моддасининг тўртинчи — ўнинчи қисмларида белгиланган тартибида жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт»;

**3) 60-модда тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун худди ўша қарор ёхуд ажрим билан адвокатни жалб этиш чоралари кўрилади»;

**4) 476-модданинг:**

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи ва тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10,

149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда) **297-моддаси** қўйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган ваколатли мансабдор шахс ёки суд маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахснинг илтимосига кўра, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг ишда иштирок этишини таъминлаш чоралари ни кўриши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак».

**З-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 8, 631-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг бешинчи қисмидаги «Жиноят ишироқ этишга тайинланган» деган сўзлар «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун танланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

2) **11-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 910, 149-модда; 2004 йил, № 12, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 3, 187-модда, № 4, 269-модда) **10-моддасига** қўйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ва жиноят-хукукий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасалар ҳамда органларнинг ваколатли мансабдор шахси суднинг хукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиша, шунингдек уларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ иштирок этишини давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш хукуқига эга бўлган маҳкумнинг илтимосига кўра таъминлаш чораларини кўриши шарт. Бошқа ҳолларда маҳкум давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган маҳсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиши мумкин»;

**иккинчи — олтинчи қисмлар** тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ-460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда) **67-моддаси** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд даъвогарнинг ёки жавобгарнинг илтимосига кўра, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат жалб этиладиган пайтга қадар суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ-462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда) **60-моддаси** қўйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд аризачининг илтимосига кўра, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат жалб этиладиган пайтга қадар суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майда қабул қилинган **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**ги ЎРҚ-690-сонли Қонуни

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 5, 415-модда) **10-моддасининг тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахслар психиатрия ёрдамини олаётганда «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳукуқига эга».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштиrsин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив-ҳукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

**10-модда.** Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 27 февраль,  
ЎРҚ-915-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**77**

**Солиқقا оид айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик  
чораларини мақбуллаштириш тўғрисида\***

2023 йил 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш мақсадида:

1. Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузганлик, шунингдек, товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотовчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик (кейинги ўринларда — фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар) учун молиявий жарима миқдорини:

ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилганда — реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи;

ҳуқуқбузарлик молиявий жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда — реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 20 фоизи миқдорида ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки, мазкур Фармон кучга киргунга қадар фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилган молиявий жарималар бўйича мавжуд қарздорликнинг 98 фоизи ҳисобдан чиқарилади ва ҳисобдан чиқарилган қарздорликни ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тутатилади.

3. Солиқ кодексига мазкур Фармондан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жарималар ва маъмурий жазо чоралари қўлланилмасин.

4. Солиқ қўмитаси бир ой муддатда:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда ушбу Фармоннинг 1-бандидан келиб

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 27 февралда эълон қилинган.

чикиб, Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритишга қаратилган қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мазкур Фармон кучга киргунга қадар фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар учун ундирилган жарима суммаларининг 98 фоизи келгуси тўловлар хисобига белгиланган тартибда тегишли тадбиркорлик субъектларига қайтарилишини таъминласин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 26 февраль,  
ПФ-39-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**78**

**Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар  
экспортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тад-  
бирлар тўғрисида\***

Рақамили технологиялар соҳасида фаолият юритувчи корхоналарнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш, рақамили технологияларни қўллаган ҳолда хизматлар экспорти билан шуғулланувчи хорижий компанияларни мамлакатимизга кенг жалб этиш, соҳада экспорт ҳажмини оширишга қаратилган қўшимча қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгилangan вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Рақамили технологиялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг:

а) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — IT-парк) томонидан:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда IT-саноатни ривожлантириш, аҳолини юқори даромадли иш ўринлари ва замонавий қасблар билан таъминлаш, шунингдек, ҳудудларга IT-хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни кенг жалб қилишга қаратилган дастурни (Zero Risk) (кейинги ўринларда — Дастур) жорий этиш;

маҳаллий бозор учун IT-хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналарни халқаро IT-бозорга олиб чиқиш, уларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳани (Local to Global) (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш;

б) умумий хизматлар ҳажмида хизматлар экспорти улуши маҳаллий бозор учун кўрсатилган хизматлар ҳажмига нисбатан юқори бўлган икки ёки ундан ортиқ хорижий давлатда фаолият юритувчи ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида юридик шахс сифатида фаолиятини йўлга қўйган ҳолларда, қонунчиликда белгиланган тартибида IT-парк резиденти мақомини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Дастурда иштирок этувчи корхоналарга:

а) IT-паркнинг тавсияномасига асосан бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари, Рақамили технологиялар вазирлиги тизимидағи ташкилотлар ҳамда IT-парк филиалларининг давлат мулки бўлган бўш бинолари ва майдонлари (хоналари) бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳукуқи асосида берилади.

Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларининг ҳар чорақда янгилаб бориладиган рўйхатини IT-парк дирекциясига тақдим этади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2024 йил 27 февралда эълон қилинган.

IT-парк дирекцияси томонидан заруратга кўра Дастурда иштирок этувчи корхоналар рўйхати ва уларни бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларига бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуки асосида тегишли майдонлардан самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда жойлаштиришни назарда тутувчи тавсиянома Давлат активларини бошқариш агентлигига юборилади;

б) бир йил муддат тугагандан сўнг Дастурда иштирок этувчи корхоналар билан уларга текин фойдаланиш ҳуқуки асосида берилган бино ва майдонлар (хоналар) юзасидан «E-auksion» электрон савдо платформасида бир метр квадрат майдон учун тегишли ҳудуд бўйича шаклланган ўртacha ижара ҳақи миқдорида тўғридан-тўғри шартнома тузилади;

б) IT-парк томонидан харид қилинган янги компьютер, бошқа техника ва жиҳозлар бир йилгача муддатга текин фойдаланиш ҳуқуки асосида, кейинчалик улар З ойлик даврда фоизсиз бўлиб тўлаш (харид қилиш) шарти билан тақдим этилади;

в) иш ҳақи харажатлари меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимлари сонига мутаносиб равишда бир йил муддатда 15 фоизгача миқдорда қоплаб берилади;

г) инсон ресурсларини ривожлантириш йўналишида бир календарь йил давомида битта корхонанинг қўйидаги харажатлари қоплаб берилади:

ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув ходимларини қайта тайёрлаш ва мала-касини ошириш (шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш орқали) билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизгача, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баробаридан кўп бўлмаган қисми;

ишга қабул қилиш учун малакали мутахассисларни аниқлаш бўйича хизматлар харажатларининг (мутахассислар сонига мос равишда) 50 фоизгача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробаридан кўп бўлмаган қисми.

3. Белгилансинки, Дастурда қўйидаги талаблардан бирига мос келувчи IT-парк резиденти мақомига эга бўлган ташкилотлар иштирок этади:

умумий хизматлар ҳажмида хизматлар экспорти улуши маҳаллий бозор учун кўрсатилган хизматлар ҳажмига нисбатан юқори бўлган ташкилотлар;

амалда 500 минг АҚШ доллари ва ундан юқори бўлган эквивалентдаги экспорт шартномасига эга бўлган ташкилотлар;

йиллик айланмаси миқдори 1 миллион АҚШ доллари эквиваленти ва ундан юқори бўлган хорижий компания таъсисчилигида ташкил этилган янги ташкилотлар.

4. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ Лойиха доирасида IT-парк резиденти бўлган ташкилотларга:

а) экспорт режасини ишлаб чиқиш, истиқболли хорижий бозорларни аниқлаш ва уларга чиқиш талабларини ўргатиш, мижозларни топиш, улар билан музокаралар олиб бориш, экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш, хизматлар реализациясидан кейинги босқичдаги қўллаб-куватлаш жараёнларини ташкил этиш йўналишларида IT-парк томонидан бепул маслаҳат (экспорт менторинг) хизматлари кўрсатилади;

б) жаҳон бозорига чиқиш йўналишидаги харажатларнинг 50 фоизгача қисми қўйидаги чегараланган миқдорларда қоплаб берилади:

хорижий эксперт маслаҳат хизматлари учун 10 минг АҚШ доллари эквивалентигача;

халқаро кўргазма ва конференцияларда иштирок этиш учун 5 минг АҚШ доллари эквивалентигача;

хорижий ҳамкорлар билан бизнес музокаралар ўтказиш мақсадида уларнинг мамлакатимизга ташрифини ташкил этиш учун амалда экспорт қилган хизматлари ҳажмига мос равишда 1-иловага\* мувофиқ 20 минг АҚШ доллари эквивалентигача;

хорижий мамлакатларга хизмат сафари (транспорт ва меҳмонхона харажатлари) учун 5 минг АҚШ доллари эквивалентигача;

в) умумий ходимлари сонининг кўпи билан 50 фоизи, лекин бир нафар ходим учун бир календарь йилда бир маротаба рўйхати Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган нуфузли халқаро платформалар ва таълим йўналишларида ўқиш харажатларининг ярми қоплаб берилади;

г) ходимлар малакасини ошириш мақсадида «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасидаги нуфузли халқаро таълим платформаларининг экспорт йўналишида талаб юкори бўлган онлайн ўқув курсларида бепул ўқиш имконияти таъминланади.

5. Белгилаб қўйилсинки, Лойиҳа доирасида IT-соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарни жаҳон бозорига олиб чиқишига қаратилган ҳар бир йўналиш бўйича харажатлар бир календарь йилда факат бир маротаба қоплаб берилади.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокиммилкларининг 2024 йил учун рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспорти бўйича мақсадли кўрсаткичларни 2-иловага\* мувофиқ белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспорти бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин ҳамда ҳар ой яқуни бўйича бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига хисобот киритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқилиши ҳамда тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиурсин ва ҳар ойда муҳокама қилиб борсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокиммиллари Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда IT-парк дирекцияси томонидан белгиланадиган талабларга мос

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк обьектларини аниқлаб, хатловдан ўтказсин ва хатлов натижаларига кўра шакллантирилган рўйхатни IT-парк дирекциясига тақдим этсин.

Бунда, бўш турган давлат кўчмас мулк обьектлари рўйхати ҳар чорақда янгилаб борилиши таъминлансан.

#### 8. Белгилансики:

2024 йилда Дастур ва Лойиҳа доирасида кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун IT-парк маблағлари ҳисобидан 65 миллиард сўмгача ҳамда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 35 миллиард сўмгача маблағлар ажратилади;

2025 йилдан бошлаб Дастур ва Лойиҳа доирасида кўзда тутилган чора-тадбирлар IT-парк маблағлари ҳисобидан, етмаган қисми эса Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Дастур ва Лойиҳа доирасидаги аризаларни кўриб чиқиш ва корхоналарнинг белгиланган мезонларга мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек, қўллаб-қувватлаш чоралари доирасини белгилаш ҳамда татбиқ этиш жараёнлари IT-паркнинг маҳсус ахборот тизими орқали бепул оширилади.

9. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Ўзбекистоннинг IT-соҳадаги салоҳиятини жаҳон бозорида тарғиб қилиш, мамлакатимизга хорижий компанияларни ҳамда маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва IT-хизматлар кўрсатувчи корхоналарга буюртмаларни кенг жалб қилиш мақсадида:

а) 2024 йилда Германия ва Саудия Арабистонида асосий фаолияти маҳаллий корхоналар учун IT-хизматлар бўйича буюртмаларни жалб қилишга қаратилган IT-парк ваколатхонаси (филиали) фаолиятини йўлга қўйиш.

Бунда, IT-парк дирекциясига мазкур хорижий мамлакатларда ваколатхоналар (филиаллар) фаолиятини йўлга қўйиш учун 2027 йил 1 январга қадар ҳар бир ваколатхона (филиал)га йилига 200 минг АҚШ доллари эквивалентигача молиялаштириш учун маблағ йўналтиришга руҳсат бериш;

б) хорижий мамлакатларда мунтазам равишда, шу жумладан 2024 йилда АҚШ ва Германияда «Ўзбекистон IT-кунлари» халқаро тадбирларини ўтказиш;

в) IT-парк дирекциясига қўйидаги ҳар бир йўналиш бўйича 200 минг АҚШ доллари эквивалентигача миқдорда:

Рақамли технологиялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ чет эл компаниялари (шу жумладан, ижтимоий тармоқлар) билан Ўзбекистон Республикаси IT-салоҳиятини хорижий давлатларда тарғиб қилишга йўналтирилган продюсерлик ва реклама хизматлари, хорижий телерадиокомпаниялар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг рекламалари, репортажлари ва бошқа роликларини тайёрлаш ва трансляция қилиш бўйича хизматлари юзасидан;

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан тасдиқла-надиган рўйхатга мувофиқ хорижий компаниялар билан чет элда тадбирлар (кўргазмалар, анжуманлар, давра сұхбатлари ва семинарлар) ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш бўйича, шунингдек, хорижий консалтинг компаниялари ва чет эллик маслаҳатчилар билан мамлакатимизда IT-саноатни ривожлантириш ҳамда жаҳонда тарғиб қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Белгилансинки, Германия ва Саудия Арабистонида IT-парк ваколатхонаси (филиали) фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур маблағлар Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган ва IT-парк томонидан тасдиқланган сметалар асосида йўналтирилади.

Бунда, IT-парк дирекцияси йил яқуни бўйича сарфланган харажатлар юзасидан Рақамли технологиялар вазирлигига батафсил ҳисбот киритиб боради.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги бир ой муддатда:

Дастур ва Лойиха иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш механизмларини назарда тутувчи низом лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг 9-банди «в» кичик бандида кўзда тутилган ташкилотлар ва маслаҳатчилар рўйхатини тасдиқласин ҳамда заруратга кўра янгилаб борсин;

Лойиҳа доирасида харажатлари қопланадиган эксперт маслаҳат хизматларини кўрсатадиган хорижий компаниялар ҳамда халқаро кўргазма ва конференциялар рўйхатларини эълон қилсин ва янгилаб борсин.

12. Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда:

IT-паркка Германия ва Саудия Арабистонида унинг ваколатхонаси (филиали)ни ташкил этиш бўйича зарур ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳар томонлама кўмаклашсин;

ушбу мамлакатларда IT-парк ваколатхоналари (филиаллари) ташкил этилгандан сўнг уларнинг фаолияти оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Рақамли технологиялар вазирлиги:

бир ой муддатда умумий хизматлар ҳажмида хизматлар экспорти улуши маҳаллий бозор учун кўрсатиладиган хизматлар ҳажмига нисбатан юқори бўлган икки ёки ундан ортиқ хорижий давлатда фаолият юритувчи ташкилот томонидан хизматлар кўрсатиш фаолиятини IT-парк резидентлари томонидан амалга ошириш рухсат этилган фаолият турлари рўйхатига киритиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлеклари, IT-парк билан биргаликда Дастур ва Лойиҳани кенг оммалаштириш, худудларда IT-соҳадаги ташкилотларни уларда иштирок этиш учун кенг жалб қилиш чораларини кўрсин;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмуни ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 26 февраль,  
ПҚ-87-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**79**

**Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги-  
нинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 февралдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада та-комиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-41-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

**1. Қўйидагилар:**

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини янада та-комиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\*\* мувофиқ;

Техник регламентларни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш дастури 2- ва 2а-иловаларга\*\* мувофиқ;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат муассасаси учун харид қилинадиган эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

**2. Аҳолини сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлашда давлат назорати тизимини янада та-комиллаштириш мақсадида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) қўйидаги таклифларига розилик берилсин:**

**а)** 2024 йил 1 октябрдан бошлаб техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар учун:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқ маҳсулотни муомаладан чиқариш ёки маҳсулотнинг камидаги 60 фоизини чакириб олиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажармаганлик учун — юридик шахсларга реализация қилинган маҳсулот қийматининг 100 фоизи миқдорида молиявий жарима кўллаш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳолатлари тасдиқланганда, ушбу маҳсулотларга расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатини Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан тўхтатиб туриш;

сертификатлаштириш органининг қоидаларга риоя этмаганлиги (шу жумладан, маҳсулот барча мажбурий кўрсаткичларга мувофиқлиги баҳоланмаганлиги) натижасида сифатсиз маҳсулотлар реализация қилинганлиги ҳолатлари аниқлаганда, мазкур органнинг сертификатлаш фаолиятини Инспекция томонидан тўхтатиб туриш;

**б)** «хавфни таҳлил этиш» тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши хақида тадбиркорлик субъектини хабардор қилиш тартиби Инспекция томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирларига татбиқ этилмаслиги.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 29 февралда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб:

«Ўзбекистон аккредитация маркази» давлат муассасаси томонидан мувофиқликни баҳолаш органларида ўтказилган баҳолаш жараённада олдин аниқланган камчиликлар такроран аниқланганда, камчиликлар такрор йўл қўйилган соҳа аккредитация доирасидан чиқарилади;

мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятида халқаро стандартларга риоя этилишини тизимли баҳолаб боришни назарда тутувчи халқаро даражада тавсия қилинган услублар жорий қилинади ва аккредитация жараёнларида қўлланади;

белгиланган тартибда малака оширгмаган ва аттестациядан ўтмаган мутахассисларнинг мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораторияларида фаолият олиб бориши тақиқланади.

4. Агентлик ва Рақамли технологиялар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргалиқда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида шаффофликни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли тизимни яратиш мақсадида 2025 йил 1 январга қадар 4-иловада кўрсатилган асосий имкониятларни назарда тутувчи «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимини ишга туширсин.

«Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимини яратиш, ишга тушириш ҳамда вазирлик ва идораларнинг идоралараро ахборот тизимларига интеграция қилиш билан боғлиқ барча харажатлар Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсан.

Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги, Солиқ қўмитаси ҳамда Агентлик 2025 йил 1 марта қадар «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимини солик, божхона ва статистика органлари ахборот тизимларига интеграция қилиш ишларини якунига етказсин.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш, маҳсулотларни давлат рўйхатига олиш, мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораториялари томонидан синов баённомалари, мувофиқлик сертификати ва декларацияни расмийлаштириш жараёнлари фақат «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизими орқали амалга оширилади;

маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун талаб этиладиган вақт меъёрлари «Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимиға киритилади ва уларга риоя этилиши «хавфни таҳлил қилиш» тизими орқали баҳоланади.

6. Агентлик марказий аппарати тузилмасига Агентлик директорининг рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими киритилсан.

7. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Агентликка юкланган вазифалар ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Агентликка ва Инспекцияга маъму-

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рий ислоҳотлар доирасида вазирлик ва идоралардан мақбуллаштирилган штат бирликлари хисобидан 54 та штат бирлиги ажратилсин.

Агентлик ва Инспекция бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 153 нафар этиб белгилансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қўшимча ажратилаётган 54 та штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилда — 2024 йил учун Давлат бюджетида кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2025 йилдан бошлаб эса — Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутсин.

#### 8. Белгилансинки:

Агентлик директорининг ўринбосарлари ҳамда Инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан, Агентликнинг бошқа тизим ташкилотларининг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Агентлик директорига меҳнат бозорининг конъюнктурасини хисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб этиш хуқуки берилади.

#### 9. Белгилансинки:

Агентлик ва Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 6-иловага\* мувофиқ белгиланади;

Агентлик директорига Агентлик ходимларига Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг маҳсус жамғармаси маблағлари хисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари микдоригача устами ва қўшимча ҳақ тўлаш, мукофотлаш ва бошқа рағбатлантириш тусидаги ҳамда компенсация тўловларини белгилаш хуқуки берилади.

10. Агентлик директори ва адлия вазири А. Ташкулов Агентлик ва унинг тизим ташкилотлари ходимларини уч ой муддатда аттестациядан ўтказиб, ўзига юклangan вазифалар самарали бажарилишини профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган ҳалол кадрлар билан тўлдириш учун масъул ва шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йилда ушбу қарорга 3-иловада кўрсатилган эталонларни харид қилиш учун Давлат бюджетидан Агентликка маблағлар ажратилишини, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда эталонлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

12. Агентликнинг «Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази» ва «Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат муассасаларига зарур бўлган стандарт намуналар, газ қоришмалар, кимёвий реактив ва реагентларни харид қилиш ҳамда ўлчаш воситаларини хорижий метрология ташкилотларида калибрлаш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилсин.

#### 13. Агентлик бир ой муддатда:

соҳалар ва тармоқлар кесимида ҳалқаро стандартларни қабул қилиш бўйича максадли кўрсаткичларни;

«Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази» ва «Ўзбекистон

\* 6-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

миллий метрология институти» давлат муассасалари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилинадиган стандарт намуналар, газ коришмалар, кимёвий реактив ва реагентлар рўйхатини;

«Ўзбекистон миллий метрология институти» давлат муассасаси томонидан янги калибрлаш ва қиёслаш ишларини ташкил этиш учун харид қилинадиган намунавий ўлчаш воситалари рўйхатини;

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML) ҳужжатлари асосида метрологик меъёр ва қоидаларни қабул қилиш режа-жадвалини тасдиқлаш учун Техник жихатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш бўйича идоралараро республика кенгашига киритсин.

Бунда, халқаро ва Европа стандартларини харид қилиш, давлат тилига таржима қилиш ва экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни соҳалар ва тармоқларга масъул бўлган идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар, шунингдек, Экспортни рафбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилсин.

14. Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, «Ўзчармсаноат» уюшмаси, «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий экспортбоп маҳсулотларга тегишли халқаро стандартларни аниқлаб, уларни амалиётга жорий этишнинг ойма-ої тармоқ жадвалини Техник жихатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш бўйича идоралараро республика кенгашига киритсин.

15. Агентлик ва Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритсин.

16. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 33За-уйда жойлашган бино-иншоотлар Агентлик тасарруфида қолдирилсин.

17. Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори белгилансин.

Қарорнинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 28 февраль,  
ПҚ-91-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 28 февралдаги  
ПҚ-91-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**«Техник тартибга солиш» миллий ахборот тизимида  
яратиладиган асосий имкониятлар  
ТАВСИФИ**

- 1) Стандартлаштириш, сертификатлаштириш, аккредитация ва метрология соҳаларида барча давлат реестрларининг марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш ва унинг очиқлигини таъминлаш.
- 2) Республика худудида фаолият юритаётган аккредитация қилинган барча мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораторияларини ягона платформага интеграция қилиш, шунингдек, синов жараёнларида фойдаланиладиган ускуналар ва кимёвий реактивлар хисобини юритиш.
- 3) Мувофиқлик сертификатлари, лаборатория синови баённомалари ва хулосаларини тўлиқ электрон шаклда QR-код (матрик штрихли код) қўйилган холда шакллантириш.
- 4) Масофавий «хавфни» таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш, шунингдек, маҳсулотларни давлат рўйхатига олиш, мувофиқлик сертификатларини бериш ва декларацияларни рўйхатга олиш жараёнларини электрон шаклда мониторинг қилиш.
- 5) Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлардан қониқиша даражасини доимий баҳолаб бориш, таклиф ва шикоятлар юбориш ҳамда коррупция ҳолатлари бўйича тезкор ахборот бериш.
- 6) Қабул қилинаётган янги стандартларни дастурий қайта ишлаш (машинада ўқиладиган формат).
- 7) Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид таҳлилий ва статистика маълумотларини 24/7 режимида умумлаштириш ҳамда ҳисботларни шакллантириш жараёнларини автоматлаштириш.
- 8) Аккредитация, метрология, сертификатлаштириш органлари ҳамда стандартлаштириш бўйича миллий орган фаолияти, шунингдек, синовлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари асосида тўлиқ амалга оширилганилиги, синов ускуналарининг метрологик хулосалари мавжудлиги устидан назоратни таъминлаш.
- 9) Мувофиқликни баҳолаш органларига нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштириш.
- 10) Лаборатория ускуналарининг техник имкониятини ҳисобга олган холда, синов натижаларини автоматик равишда шакллантириш.
- 11) Тизимга автоматлаштирилган ҳисоб-китоб (биллинг) тизимини жорий этиш орқали тўловларни онлайн амалга ошириш.
- 12) Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар тизимидағи стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ҳамда уларнинг ишини мувофиқлаштириш ва рейтингини юритиш, техник

жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш.

*Изоҳ:*

1. «Техник тартибга солиши» миллий ахборот тизими орқали кўрса-тиладиган хизматлар учун тўловлар инвойс (ҳисоб-фактура) асосида амалга оширилади ва келиб тушган маблаглардан:

2 фоиз миқдоридаги ажратма — Техник жиҳатдан тартибга солиши агентлигининг бюджетдан ташқари ривожлантириши жамгармасига;

1 фоиз миқдоридаги ажратма — Рақамли технологиялар вазирлигининг Рақамли технологияларни ривожлантириши жамгармасига;

0,5 фоиз миқдоридаги ажратма — Электрон ҳукуматининг Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун «Электрон ҳукумат лойи-ҳаларини бошқариши маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик хизмати қўймитасидаги маҳсус ҳисобва-рагига ўтказилади.

2. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиши агентлигининг бюджетдан ташқари ривожлантириши жамгармасига келиб тушган маблаглар «Техник тартибга солиши» миллий ахборот тизимини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, агентликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, рақамли инфратузилмасини ривожлантириши, ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиши ҳамда техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ходимларни моддий рагбатлантириши билан бөглиқ харажатларга сарфланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**80**

**Суфурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг  
комплекс чора-тадбирлари тўғрисида\***

Суфурта бозорини янада ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали суфурта хизматларининг оммаболлигини ва сифатини ошириш, шунингдек, соҳани тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

суфуртанинг барча турлари бўйича суфурта (қайта суфурта) шартномаларини ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказиш ва суфурта полисларини ушбу тизим орқали расмийлаштириш мажбурий ҳисобланади;

барча суфурта турлари бўйича суфурта полисларини фақат қоғоз шаклда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади;

суфурта полисларини ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали расмийлаштираслик уларни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади ҳамда суфурталовчи томонидан лицензия талаблари ва шартларини бир марта қўполовида бузиш ҳисобланади;

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги суфурталовчилар томонидан кўрсатиладиган суфурта хизматлари сифати бўйича суфурталовчилар рейтингини юритади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси суфурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\*\* мувофиқ;

Суфурталовчиларнинг табақалаштирилган устав капиталининг энг кам миқдорлари 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва Суфурта тўловларини кафолатлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) барча суфурта полисларини рўйхатга олевчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси транспорт воситаларини суфурталаш» автоматлаштирилган ахборот тизими, Ўзбекистоннинг ягона суфурта портали, Суфурта полисларининг ягона реестри ва «E-Sugurta servis» ягона мобил иловасини Жамғарма томонидан Агентлик балансига беғараз баланс қийматида ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Бунда, янги ахборот тизимларини харид қилиш, уларнинг тўлиқ ишларини таъминлаш ва сақлаш, шу жумладан дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва ахборотларни актуаллаштириш (янгилаш) билан боғлиқ бошқа

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 марта эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкилотлар ва мутахассисларнинг хизматларига ҳақ тўлаш Агентлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Қуидагиларга шартномаларнинг ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш мажбурияти юклатилсан:

Солик қўмитаси ва Транспорт вазирлигига иш берувчининг ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларини;

Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясига хавфли ишлаб чиқариш обьектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлифи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларини;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига обьектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномаларини.

Агентлик суғуртанинг юқорида кўрсатилган турлари бўйича шартномаларнинг мажбурий тузилиши бўйича тегишли тизимни (модуллар, дастурий маҳсулотлар) ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун масъул этиб белгилансин.

Бунда, мазкур банднинг бешинчи хатбоисида кўрсатилган вазифалар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Агентлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Агентлик:

2025 йил 1 январдан бошлаб суғурталовчиларнинг ҳисботларини соддалаштириш, автоматлаштириш ва ягона ахборот тизимида шакллантиришга босқичма-босқич ўтиш чораларини кўрсин;

суғурта таваккалчилиги даражасига сезиларли таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан келиб чиқкан ҳолда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларини актуар ҳисоб-китобларга асосан қайта кўриб чиқиб, уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда суғурта мукофотларини ҳисоблашни автоматлаштириш, суғурталовчини танлаш ҳуқуқи билан электрон шаклда шартномани мажбурий тузиш имкониятини яратиш орқали мажбурий суғурта шартномаларини тузиш жараёнлари соддалаштирилишини таъминласин;

икки ой муддатда суғурта қилдирувчиларни (жабрланувчиларни) мажбурий суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этиш бўйича қонун лойиҳасини киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ:

шартномаларни тузиш, суғурта мукофотларини ҳисоблашни автоматлаштириш ва суғурта ҳодисалари бўйича аризаларни электрон шаклда юбориши тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш учун қонунчилик ҳужжатлари талабларига, шунингдек, Агентликнинг техник шартлари ва талабларига

мувофиқ келадиган ташкилотларни ҳамкорлик келишуви асосида жалб этишга рухсат берилади;

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган мажбурий суурита шартномаларини тузиш Агентликнинг, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, бошқа жалб қилинган ташкилотларнинг ахборот тизимлари орқали оммавий оферта шаклида амалга оширилади.

7. Бош прокуратура Агентлик билан биргаликда мажбурий суурита тўғрисидаги қонунчилик хужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан тасъирчан назоратни ўрнатсин.

8. Белгилансинки, З-иловага мувофиқ белгиланадиган сугурталовчиларнинг (қайта сугурталовчиларнинг) календарь бадаллари маблағлари Агентликка ўналтирилади.

Бунда, сугурталовчилар (қайта сугурталовчилар) томонидан 2023 йил учун тўлланмаган календарь бадалларининг тегишли суммалари Агентликнинг шахсий ғазна ҳисобварафига ўтказилиши лозим.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Агентлик билан биргаликда миллий суурита бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уч ой муддатда илфор хорижий тажриба асосида олий таълимнинг миллий стандартлари ва таълим дастурларини қайта кўриб чиқиб орқали бакалавриатнинг суурита иши таълим йўналиши бўйича ўқиш муддатини таянч бўлмаган фанларни қисқартириш ҳисобига тўрт йилдан уч йилгача қисқартириш бўйича тегишли таклифлар киритсан.

10. Агентлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги 2024 йил 1 июлдан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ахборот тизимларида тегишли модулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими ва Агентликнинг ягона ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суурита қилиш бўйича суурита полиси (тўлиқ қурилиш даври учун) мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этиладиган объектларни молиялаштиришга ўйл қўймасликни таъминласин.

11. Агентлик 2025 йил 1 январга қадар илфор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсан:

юридик шахсларнинг кўчмас мулкини табиий ва техноген оғатлардан мажбурий суурита қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

такафул тамойилларини ва маҳсулотларини босқичма-босқич жорий этиш;

юқлатилган суурита турларини босқичма-босқич кенгайтириш;

«Яшил суурита» (Green insurance) маҳсулотларини жорий этиш;

ихтиёрий тиббий сууртанинг қамровини ошириш ва янада ривожлантириш.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Агентлик, Ўзбе-

кистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, шунингдек, суғурта маданияти ва ахолининг суғурта хизматларига ишончини оширишга қаратилган мавзули қўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил этилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлари 5-иловага\* мувофиқ ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 март,  
ПҚ-108-сон

---

\* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 1 мартдаги  
ПҚ-108-сон қарорига  
З-ИЛОВА

## **Календарь бадали миқдорини аниқлаш ва тўлаш ТАРТИБИ**

1. Суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан хабардор қилингандан сўнг беш иш куни ичидаги Агентликнинг шахсий ғазна хисобварафига тегишли миқдорда пул маблағи ўтказиш ўйли билан календарь бадалини тўлади.

2. Календарь бадали ставкаси суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари соғи суғурта мукофотларининг 0,2 фоизи миқдорида белгиланади.

3. Ҳар бир ўтган чорак учун соғи суғурта мукофотлари тўғридан-тўғри суғурта ва биргаликда суғурта (суғурта ташкилотининг биргаликда суғурта-лаш шартномасида белгиланган улуши) бўйича суғурта мукофотлари ҳамда киравчи қайта суғурта мукофотлари йиғиндисидан чиқувчи қайта суғурта мукофотларини чегириб ташлаган ҳолда хисобланади.

4. Календарь бадалининг 80 фоизи миқдоридаги маблағ суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) банкрот деб топилганда, суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) суғурта (қайта суғурта) тўловларининг ёки қайтарилиши лозим бўлган суғурта мукофотларининг етишмаган қисмини молиялаштиришга ўйналтирилади.

Календарь бадал суммасининг қолган қисми қўйидаги мақсадларга ўйналтирилади:

суғурта бозорини ривожлантиришга, аҳолининг суғурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суғурта маданиятини ривожлантиришга ўйналтирилган комплекс чора-тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек, ҳалқаро даражадаги эксперталар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда суғурта фоалияти масалалари бўйича семинарлар, конференциялар ва форумларни ташкил этиш;

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан хорижда ташкил қилиш;

миллий ва хорижий мутахассисларни, ҳалқаро ва хорижий ташкилотларни, шунингдек, консалтинг ташкилотларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Агентликнинг жорий харажатларини молиялаштириш;

Агентликнинг идора қилиш ва бошқарув функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ сарфлар, шу жумладан, электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш бўйича харажатларни қоплаш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, сотиб олиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ахборот тизимиға киритилган маълумотларни актуаллаштириш (янгилаш) билан боғлиқ

учинчи томон ташкилотлари ва мутахассисларининг хизматларига ҳақ тўлаш харажатларини қоплаш;

ахборот хавфсизлиги соҳасидаги харажатларни, шу жумладан муҳандислик ва консалтинг хизматлари учун тўловларни, маълумотларни қайта ишлаш хизматларини ва бошқаларни молиялаштириш;

Агентлик фаолиятини яхшилашга йўналтирилган вакиллик ва тадбирлар харажатларини (видеороликлар, даврий нашрлар, брошюралар, буклетлар, китоблар, тўпламлар тайёрлаш, конференциялар, давра сухбатлари, семинарлар ва ҳоказоларни ўтказиш) қоплаш;

ходимларга иш ҳақи тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш: жумладан мукофотлаш, қўшимча тўловлар ва устамалар тўлаш, шунингдек, ижтимоий таъминлаш;

Агентлик ходимларига суғурта соҳасида ва (ёки) Агентлик тизимида қўп йиллик хизматлари учун мукофотлар тўлаш;

ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш.

5. Календарь бадалларининг вақтинчалик бўш маблағлари тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилиши мумкин.

6. Ушбу Тартибда назарда тутилмаган мақсадларда Агентликнинг ҳисобварақларидан календарь бадали маблағларини ўтказиш ва вақтинчалик олиш тақиқланади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**81**

**Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-7*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 ноябрдаги 588-сон «Спортчиларга спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мҳ-сон қарори (рўйхат рақами 2921, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 935-модда) билан тасдиқланган Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгashi билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 февраль,  
1-мҳ-сон

*Келишилди:**Мудофаа вазири***Б. КУРБАНОВ***2024 йил 1 февраль**Ички ишлар вазири***П. БОБОЖОНОВ***2024 йил 23 январь*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 26 февралда эълон қилинган.

*Ўзбекистон Мудофаасига  
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»  
ташикилоти Марказий кенгаши раиси      К. ИШАНХОДЖАЕВ*

2024 йил 29 январь

Ўзбекистон Республикаси  
спорт вазирининг 2024 йил 20 февралдаги  
1-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом спорт турлари реестрига киритилган спорт турлари бўйича тегишли спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш учун бажарилиши зарур бўлган нормалар ва талаблар ҳамда уларни бажариш шартларининг мазмунини, ягона спорт таснифини шакллантириш, шунингдек спорт турлари бўйича спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш бўйича малака комиссияси фаолияти тартибини белгилайди.».

2. Қўйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«4<sup>1</sup>. Спортчиларга спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 ноябрдаги 588-сон қарори билан тасдиқланган Спортчиларга спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ амалга оширилади.».

3. 14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. ЯСТ Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ўтказилишининг даврийлигини инобатга олиб, ҳар 4 йилда бир марта келгуси 4 йил муддатга спорт федерацияларининг (уюшмаларининг), спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса — Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг тақдимномаларига асосан Олимпия ўйинлари ўтказилган йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг бўйруғи билан тасдиқланади.».

4. 15-банд, 4 ва 5-боблар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 39-банддаги «спорт турлари бўйича олий спорт маҳорати мактаблари» деган сўзлар «спорт турларини ривожлантириш Республика марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 42-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Малака комиссияси томонидан сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат келиб тушгандан сўнг беш иш куни муддатида кўриб чиқилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**82**

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-12*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсинг.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 31 январь,  
42/14-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 28 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2024 йил  
31 январдаги 42/14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган  
талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 18<sup>1</sup>-банндаги «1 — 4-иловаларида» деган сўзлар «1 — 6-иловаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

қўйидаги мазмундаги 10<sup>2</sup> ва 10<sup>3</sup>-позициялар билан тўлдирилсин:

«	10 <sup>2</sup> .	2024 йил 1 апрелдан бошлаб доимий даромадга эга бўлган, шунингдек камидан олти ой давомида банк ҳисобварафида, шу жумладан банк картасида маблағлар айланмасига эга бўлган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиялаштириш фаолияти доирасида кўрсатилган хизматлар, бундан оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар мустасно	75%
	10 <sup>3</sup> .	2024 йил 1 апрелдан бошлаб доимий даромадга эга бўлган, шунингдек камидан олти ой давомида банк ҳисобварафида, шу жумладан банк картасида маблағлар айланмасига эга бўлган ўзини ўзи банд қилган шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиялаштириш фаолияти доирасида хизматлар кўрсатиш мақсадида банклар томонидан микромолия ташкилотларига ажратилган кредитлар	75%

»;

қўйидаги мазмундаги 13<sup>1</sup> ва 13<sup>2</sup>-позициялар билан тўлдирилсин:

«	13 <sup>1</sup> .	2024 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи 60 фоиз (ушбу кўрсаткич 2025 йил 1 январдан бошлаб 50 фоиз) ва ундан паст ҳолда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар (микроқарзлар), бундан жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган ва ипотека кредитлари ҳамда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш ва таълим дастурлари асосида ажратилган кредитлар мустасно	100%
	13 <sup>2</sup> .	2024 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахснинг қарз юки кўрсаткичи 60 фоиздан (ушбу кўрсаткич 2025 йил 1 январдан бошлаб 50 фоиз) юкори бўлган ҳолда ёки ушбу кўрсаткичини аниқлаш имкони бўлмаган жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар (микроқарзлар), бундан жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган ва ипотека кредитлари ҳамда оиласи тадбиркорликни ривожлантириш ва таълим дастурлари асосида ажратилган кредитлар мустасно	150%

»;

17-позициядаги «2 — 4-иловаларида» деган сўзлар «2 — 6-иловаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. З-илованинг номи қўйидаги таҳирда баён этилсин:

**«2024 йил 1 июлга қадар аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг таваккалчилик даражалари\*».**

4. 4-илованинг номи қўйидаги таҳирда баён этилсин:

**«2023 йил 20 августдан 2024 йил 1 июлга қадар жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражалари\*».**

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳирдаги 5 ва 6-иловалар билан тўлдирилсин.

Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

**2024 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахсларга ажратилган ипотека кредитларининг таваккалчилик даражалари\***

Тавсифи	Жисмоний шахсларнинг қарз юки кўрсаткичи (ҚЮК)**		
	ҚЮК ≤ 60%***	60%***< ҚЮК ёки ҚЮКни аниқлаш имкони бўлмаса	
Кредит суммасини гаров суммасига нисбати**** (КГН)	КГН<50%	35%	50%
	50%≤КГН<75%	50%	100%
	75%≤КГН<100%	100%	150%
	100%≤КГН	150%	150%

\* Агар Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлса, мазкур талаблар қўлланилмайди.

\*\* Жисмоний шахсларнинг қарз юки кўрсаткичи Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиши тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3205, 2020 йил 20 марта) талабларига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

\*\*\* Уибү кўрсаткич 2025 йил 1 январдан бошлиб 50 фоизни ташкил этади.

\*\*\*\* Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 3269, 2020 йил 30 июнь) б-бобига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.».

Тижорат банклари капиталининг  
монандлигига қўйиладиган талаблар  
тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчаларга  
2-ИЛОВА

«Тижорат банклари капиталининг  
монандлигига қўйиладиган талаблар  
тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

**2024 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахсларга  
автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитларнинг  
таваккалчилик даражалари\***

Тавсифи	Жисмоний шахсларнинг қарз юки кўрсаткичи (ҚЮК)**		
	ҚЮК $\leq$ 60%***	60%*** < ҚЮК ёки ҚЮКни аниқлаш имкони бўлмаса	
Кредит суммасини гаров суммасига нисбати (КГН)****	КГН $\leq$ 75%	100%	150%
	75% < КГН	150%	200%

\* Агар Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлса, мазкур талаблар қўлланилмайди, бундан 1-илова  $10^2$  ва  $10^3$ -позицияларида кўрсатилган мезонлар мустасно.

\*\* Жисмоний шахсларнинг қарз юки кўрсаткичи Қарз оловчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3205, 2020 йил 20 марта) талабларига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

\*\*\* Уибү кўрсаткич 2025 йил 1 январдан бошлиб 50 фоизни ташкил этади.

\*\*\*\* Жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитнинг гаровга нисбати коэффициенти кредит суммасининг гаров қийматига нисбати орқали ҳисоб-китоб қилинади, бунда:

кредит суммаси — жисмоний шахсларга автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитнинг сўндирилмаган қолдигини ўз ичига олади;  
автомобиль гаров қиймати — гаров шартномасида келишилган нарх.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАФАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**83 Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
1 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1999-1*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникини қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буораман**:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 27 июлдаги 47-Б-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1999, 2009 йил 27 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 35-сон, 392-модда) билан тасдиқланган Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 7 февраль,  
1-2024/Б-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 марта эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирининг 2024 йил 7 февралдаги  
1-2024/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва  
таъмирашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирашда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунади.».

4. 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ходисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июня даги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарarlанишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

5. 34-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 36-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

7. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишдан четлаштириши шарт.».

8. 61-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«61. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шахар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухsat этилади.».

9. 258-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«258. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишланиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиш керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**84 Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
1 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2446-1*

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги ПҚ-197-сон «Маъмурий ислоҳотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон «Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 1 марта 14-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2446, 2013 йил 1 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 14-сон, 189-модда) билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 22 февраль,  
2-2024/Б-сон

*Келишилди:*

*Курилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири*

**Б. ЗАКИРОВ**

*2024 йил 20 февраль*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 марта эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
камбағалликни қисқартириш ва бандлик  
вазирининг 2024 йил 22 февралдаги  
2-2024/Б-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар  
ўтказишда меҳнатни мухофаза қилиш қоидаларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишда меҳнатни мухофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир таълим муассасасида меҳнатни мухофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни мухофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни мухофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган таълим муассасасида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган таълим муассасасида меҳнатни мухофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни мухофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Меҳнатни мухофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати таълим муассасасининг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита таълим муассасаси раҳбарига бўйсунади.».

4. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Таълим муассасаларида меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини баҳариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.».

5. 37-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Таълим муассасаси раҳбари мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд мажбурий тиббий кўрик натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажаришдан бўйин товлаган ходимларни ишдан четлаштириши шарт.».

6. 41-банднинг учинчи хатбоисидаги «ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш. Лойиҳалаштириш меъёрлари»га» деган сўзлар «ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»га» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 52-банддаги «ҚМҚ 2.09.04-98» деган сўзлар «ШНК 2.09.04-09» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 63-банддаги «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» деган сўзлар «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» деган сўз билан алмаштирилсин.

9. 70-банддаги «Биноларнинг ички сув қувури» деган сўзлар «Бинолар ички водопроводи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 74-банддаги «давлат санитария назорати органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шахар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 75-банддаги «ҚМҚ 2.01.05-98» деган сўзлар «ҚМҚ 2.01.05-19» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 115-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«115. Таълим муассасаларида электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари хамда Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техники қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя қилиниши керак.».

13. 149-банддаги «давлат стандарти» деган сўзлар «миллий стандарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг 2024 йил 20 февралдаги 1-мҳ-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруфи.

**2024 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-7.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 31 январдаги 42/14-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига кўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2024 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-12.**

3. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 7 февралдаги 1-2024/Б-сон «Мебеллар ва ёғоч қурилиш материаларини тайёрлаш ва таъмиrlашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2024 йил 1 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1999-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг 2024 йил 22 февралдаги 2-2024/Б-сон «Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруфи.

**2024 йил 1 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2446-1.**